ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

479 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига қушимча киритиш туррисида (Узбекистон Республикасининг «Узбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига узгартиш ва қушимчалар киритиш туррисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)» 2014 йил 16 апрелдаги УРҚ—366-сон ҳамда «Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига узгартиш ва қушимчалар киритиш туррисида» 2015 йил 10 августдаги УРҚ—389-сон қонунлари)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўгрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) 2014 йил 16 апрелдаги ЎРҚ−366-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида» 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ−389-сон қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига иловага мувофиқ қушимча киритилсин.
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.



36 (692)-сон

— 43 —

479-модда

Вазирлар Махкамаси аппаратининг бошқарувчиси Р.В. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2015 йил 9 сентябрь, 261-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 сентябрдаги 261-сон қарорига ИЛОВА

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Регламентига киритилаётган қушимча

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори (Ӱзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига қуйидаги мазмундаги IV^1 -боб қушилсин:

«IV1. Вазирликлар, давлат қумиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш туғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар тайёрлаш ва киритиш тартиби

- 32¹. Вазирликлар, давлат қумиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш туррисидаги таклифларни ишлаб чиқиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан Узбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларини бажариш юзасидан ёхуд ташаббус тартибида таъминланади.
- 32². Вазирликлар, давлат қумиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш масаласи юзасидан Узбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддаси биринчи қисмининг 8-бандига мувофиқ Узбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳаси ишлаб чиқилали.
- 32³. Вазирликлар, давлат қумиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш турисидаги Узбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ушбу лойиҳа қабул қилинишининг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат булган тушунтириш хати;

миллий ва хорижий тажрибанинг тахлили;

молиялаштириш хажми ва манбалари буйича зарур хисоб-китоблар;

Ўзбекистон Республикаси қонун *ҳужжатлари тўплами, 2015 й.*



36 (692)-сон

ташкил этилаётган органнинг асосий вазифалари, функциялари, фаолиятининг хукукий ва ташкилий асослари (тузилмаси, ходимларининг, шу жумладан бошқарув ходимларининг чекланган сони), тугатилаётган органнинг функцияларини қайта тақсимлаш ва бошқа масалалар буйича таҳлилий материаллар.

Вазирликлар, давлат қумиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш турисидаги Узбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳасини келишиш ва киритиш, шунингдек уни Вазирлар Маҳкамасида куриб чиқиш ушбу Регламент талабларига мувофиқ амалга оширилади.

32⁴. Вазирликлар, давлат қумиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш турисидаги таклиф, Узбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони лойиҳаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида қуриб чиқилади.

Вазирликлар, давлат қумиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш туррисидаги таклиф маъқулланган тақдирда Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинади ва Узбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритилади.

32⁵. Тақдимнома Ӱзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан имзоланади ва Ӱзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси ва зарур таҳлилий материаллар илова қилинган ҳолда белгиланган тартибда Ӱзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритилади».